

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үч.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ХЎЖАҚУЛОВ СИЁВУШ БАХТИЁРОВИЧ

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хўжакулов Сиёвуш Бахтиёрович

Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш
(ички ишлар органлари фаолияти мисолида) 5

Хужакулов Сиёвуш Бахтиёрович

Совершенствование общей профилактики правонарушений
(на примере деятельности органов внутренних дел)..... 25

Khujakulov Siyovush Baxtiyorovich

Improvement of the general prevention of offenses (on the example
of the activity of the bodies of internal affairs) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үч.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ХЎЖАҚУЛОВ СИЁВУШ БАХТИЁРОВИЧ

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Үу177 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Фазилов Икрам Юсупович**
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Исмаилов Исамиддин**
юридик фанлар доктори, профессор

Ганиев Шерзод Алишерович
юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси**
Ҳарбий-техника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Үу.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 21 ноябрь соат 10.30даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2018 йил 8 ноябрь куни тарқатилди.

(2018 йил 8 ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Ў.Х. Мухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори, профессор

Ж.С. Мухторов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
мажлисига котиблик қилувчи, юридик фанлар
номзоди, доцент

А.Г. Закирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар
доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тараққиёт ва хавфсизликка раҳна солаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, трансмиллий жинойатлар ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича замонавий ва самарали тизимни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини жинойатчиликка қарши курашишнинг бош йўналишига айлантириш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттириш зарурати ошиб бормоқда.

Жаҳонда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истиқболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган давр мобайнида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш, қонун бузилиши ҳолатларини фош этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлашни ушбу идораларнинг энг асосий вазифасига айлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларининг самарали тизимини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон фармонлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини айрим жиҳатлари тўғрисида мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимларидан: Қ.Р.Абдурасулова, У.Абдуганиев, Ж.М.Абдуллаев, Г.Т.Абдуллаходжаев, Ш.Ё.Абдуқодиров, Г.Ў.Аҳмедова, А.М.Бабишов, И.Жўраев, А.Г.Закирова, З.С.Зарипов, М.С.Зарипов, И.Исмаилов, Н.Т.Исмоилов, Й.М.Каракетов, А.К.Козубаев, О.М.Маҳкамов, К.Мирзажанов, И.М.Мирзараимов, Ж.С.Мухторов, З.З.Нуриллоева, А.А.Отажонов, М.А.Ражабова, М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, Р.А.Турдиев, Р.Э.Турдибоева, М.К.Утениязов, М.Қ.Ўразалиев, М.Усмоналиев, В.Г.Файзуллаева, Г.О.Эрматов, А.С.Якубов, Н.Б.Қурбонов, Д.Х.Хамидов, чет эл олимларидан Г.А.Аванесов, О.Ю.Автаева, Е.Алауханов, А.И.Алексеев, С.В.Аракелян, Ю.Д.Блувштейн, Д.В.Васильев, К.Е.Игошев, Р.К.Искужин, В.И.Каныгин, В.Н. Кудрявцева, Е.Б.Кургузкина, А.Г.Лекаръ, С.В.Максимов, Р.А.Махарамов, В.А.Мишота, М.В.Молчанова, В.И.Морозов, Л.В.Павлова, М.В.Переверзев, О.А.Петрянина, С.В.Полубинская, О.Н.Сафаргалиева, В.В.Стреляева, С.В.Федяев, С.В.Фомов, Э.А.Хасмамедов, С.А.Ходжаева, А.Н.Хоменко, В.А.Яценко, В.Е.Эминова ва бошқалар ўз илмий қарашларини баён этганлар.

Республикада Ш.А.Ганиевнинг «Ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясида (2016) ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг, И.Ю.Фазиловнинг «Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари» мавзусидаги докторлик диссертациясида (2016) одам савдосининг умумий профилактикасига оид муаммолар диссертацион тадқиқот даражасида комплекс ўрганилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ислохотлар натижаларини, амалдаги миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётини, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси муаммолари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида илмий-тадқиқот ишларни ривожлантиришнинг 2016–2018 йилларга мўлжалланган истиқболли дастури»нинг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноий жазолар ижросини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» (1.3.4-банди) илмий-тадқиқотларининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасини назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида унинг моҳиятини очиб берувчи таърифини ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси тушунчаси ва унинг асосий хусусиятларини ўрганиш;

ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларини таснифлаш масалаларини ўрганиш;

ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ва унинг ижросини таъминлашни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жиноятнинг содир этилиши сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилган;

умумий профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектлари», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари» тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий тавсифи аниқлаштирилган;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусияти бўйича криминологик ва виктимологик профилактикага, профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусияти бўйича умумий ва яқка тартибдаги профилактикага ажратиш асосланган;

Миллий гвардия, судлар ва оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари тизимига киритиш асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объекти ва субъектининг муайян мезонлар бўйича аниқ таснифланиши умумий профилактикани самарали ташкил этиш воситаси эканлиги асосланган. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш самарадорлигини ошириш мақсадида ички

ишлар органлари тизимида ҳуқуқбузарлик, унинг сабаб ва шароитлари, ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларнинг марказлашган электрон ҳисобини юритиш зарурати асослаб берилган.

Миллий гвардия, судлар ва оммавий ахборот воситаларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъекти сифатида эътироф этиш, уларнинг ваколатларини белгилаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритишга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳанинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш фаолиятига доир масалаларни тартибга солишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари асосида «Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тартиби тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш ва шахсий жавобгарлигини кучайтириш, аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш, ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, умумий профилактикаси бўйича ишлаб чиқилган илмий хулосалардан «Криминология. Махсус қисм», «Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси» дарсликларидан фойдаланилган. Илмий натижаларни инобатга олган ҳолда тайёрланган ушбу дарсликлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, умумий профилактикасига оид илмий нуқтаи назарлар ва методологик-услубий ёндашувларни мукамаллаштирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотни ўтказишда илмий билишнинг умумий ва махсус усулларида кенг фойдаланилган. Тадқиқот натижалари қонунчилик нормалари, илғор хорижий тажрибалар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси назариясида умум эътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар, етарли илмий далиллар асосида исботланган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси масалалари бўйича мутахассислар (ички ишлар органи бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари) фикрларини ўрганиш учун ўтказилган сўровлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишлари материаллари ҳамда статистик маълумотларни

таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан мавзуга оид миллий қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ички ишлар органларининг профилактик фаолияти, маъмурий ҳуқуқ ва жиноят-процессуал ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий-тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 19 майдаги 06/1-05/977вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажармаслик учун жавобгарлик белгиланган нормалардаги коллизияларнинг бартараф этилишига, шунингдек тақдимнома талабларини бажаришга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади;

ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбирларини амалга ошириш механизмлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 25 августдаги 191-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2018 йил 16 февралдаги 26/2-421-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тартибга солишга хизмат қилган;

ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини амалга ошириш механизмлари бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органларининг

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2018 йил 16 февралдаги 26/2-422-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси соҳасида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш механизмларини белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та қонунга илмий-амалий шарҳ, 6 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, услублари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва турларининг назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлили»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва турлари назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Биринчи боб икки параграф (1-§. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчасининг назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, 2-§. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлили)дан иборат.

Диссертант «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчасининг мазмун-моҳиятини ёритишда «ҳуқуқбузарлик», «маъмурий ҳуқуқбузарлик», «жиноят», «профилактика» ва «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчаларини назарий-ҳуқуқий таҳлил қилган. Бу борада олимларнинг (З.С.Зарипов, И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов, М.З.Зиёдуллаев, Б.Х.Пўлатов, А.А.Хамдамов, Б.Мадрахимов, М.М.Асрақулов, И.Х.Дусмурадов, М.Ҳ.Рустамбоев, М.Ю.Кержнер, Ғ.Т.Абдуллаходжаев, Е.Алаухановларнинг) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, уларга нисбатан илмий мунозараларга киришилган, шунингдек МДҲга аъзо давлатлар (Қозоғистон Республикаси,

Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қирғиз Республикаси)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган ҳолда «ҳуқуқбузарлик», «маъмурий ҳуқуқбузарлик» ва «жиноят» тушунчаларига нисбатан муаллифлик таърифларини ишлаб чиққан. Мазкур таърифларга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Ишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг негизини ташкил этувчи профилактик йўналишларга ойдинлик киритиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг объекти аниқланган ҳамда унга нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Амалдаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида шаклланган тажрибалар таҳлиliga таянган ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий, ташкилий, инфорацион ва бошқа чора-тадбирлар (масалан, тиббий, психологик, мафкуравий, сиёсий, маданий, маърифий ва ҳ.к.) мажмуини ўз ичига қамраб олади, - деган хулосага келинган.

Ҳуқуқшунос олимларнинг (З.С.Зарипов, И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов, Н.Т.Исмоилов, М.С.Зарипов, Н.Б.Қурбонов, О.А.Петрянина, Е.Б.Кургузкина, С.В.Полубинская, С.В.Фомов, А.Г.Лекаръ, А.Ш.Ещанова) ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг турларига оид фикр-мулоҳазалари ҳамда Россия Федерацияси, Беларусь ва Қирғиз Республикаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонунчилигининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлиliga асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: объектлари, субъектлари, турларининг янги таснифи ишлаб чиқилган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектлари», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари» тушунчаларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари сифатида Миллий гвардия, судлар ва оммавий ахборот воситаларининг ваколатларини белгилаш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусияти бўйича криминологик ва виктимологик профилактикага, профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг хусусияти бўйича умумий ва яқка тартибдаги профилактикага таснифланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мазмун-моҳияти ва чора-тадбирлари таснифи**» деб номланиб, унда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси тушунчаси, асосий хусусиятлари, афзалликлари ва чора-тадбирларининг таснифи тадқиқ этилган. Иккинчи боб икки параграф (1-§. «Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси» тушунчаси ва асосий хусусиятлари, 2-§. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларининг таснифи)дан иборат.

Ушбу бобда ҳуқуқшунос олимларнинг (З.С.Зарипов, И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов, М.Ю.Кержнер, Ғ.Т.Абдуллаходжаев, Н.Б.Қурбоновлар) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, уларга нисбатан илмий мунозараларга киришилган ҳолда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасига тавсиф бериш мезонлари, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади, вазифалари, объекти белгилаб олинган.

Шунингдек, профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг хусусиятига кўра ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини қуйидаги икки турга ажратиш тавсия этилган:

1) шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийишга йўналтирилган «ҳуқуқбузарликларнинг криминологик умумий профилактикаси»;

2) шахсларни ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга йўналтирилган «ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик умумий профилактикаси».

Юқорида келтирилган ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ҳар иккала турига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари сифатида қуйидагилар асосланган: *биринчиси*, бир вақтнинг ўзида ўнлаб, юзлаб, минглаб, ҳаттоки, миллионлаб инсонларга профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эгаллиги; *иккинчиси*, кам куч, вақт ва маблағ сарфлашига доир афзаллиги; *учинчиси*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига комплекс ёндашиш хусусиятининг мавжудлиги; *тўртинчиси*, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишни талаб қилиш хусусиятига эгаллиги.

Ўрганилган илмий адабиётлар, қонун нормалари таҳлили, анкета сўровномалари натижалари, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг афзалликларига асосланиб, «ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси» тушунчасига нисбатан муаллифлик таърифи ҳамда мазкур таърифга асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси хусусиятларини очиб беришда бевосита унинг усул ва шакллари ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши инобатга олинди, ҳуқуқшунос олимларнинг (У.Таджиханов, С.Ахмедова, Ю.С.Пулатов, И.Исмаилов, А.Қурбонов, Д.С.Мухамадалиев, Х.Т.Одилқориев, В.П.Сальников ва В.П.Федоров) фикр-мулоҳазалари ўрганилган ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг усуллари: 1) огоҳлантириш (расмий, норасмий); 2) ишонтириш; 3) рағбатлантириш (моддий, маънавий, аралаш); 4) мажбурлаш (интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий ҳуқуқий мажбурлаш чораларини қўллаш)дан иборат, - деб хулоса қилинган. Шунингдек, ушбу усулларга нисбатан муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мажбурлаш усулини қўллаш самарадорлигини янада ошириш, қолаверса, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқароларнинг масъулияти ҳамда дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида тайёргарлик кўрилаётган ижтимоий ҳавфи катта ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳақида аниқ билган ҳолда ҳокимият органларига хабар бермаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш таклиф этилган.

Диссертацияда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг шакллари ҳам тадқиқ этилган. Хусусан, ҳуқуқшунос олимларнинг (З.С.Зарипов, М.Ю.Кержнер, Ҳ.Р.Алимов, А.А.Махмудов, Н.Т.Исмоилов, Х.Х.Бахрамов) фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган ҳолда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг шакли – бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаолият, хатти-ҳаракатлар мазмунининг ташқи кўринишидир, - деган хулосага келинган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шакллари: *ёзма, оғзаки, кўрғазмали, электрон, назорат, қўриқлаш, қутқарув, белгили, СМС хабар, аралаш шакллари* тариқасида таснифлаш тавсия этилган ва уларни қўллаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури ўзига хос чора-тадбирлар тизимига эга. Мазкур чора-тадбирлар тизимининг қанчалик пухта ўйланиб, ишлаб чиқилганлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг самарадорлигини кафолатлайди. Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг амалдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган чора-тадбирлари самарадорлиги жиҳатдан таҳлил қилинган. Фаолият самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, миллий ва МДҲга аъзо бўлган баъзи давлатлар (Қозоғистон Республикаси, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қирғиз Республикаси)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун ҳужжатлари қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиниб, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг юқорида таклиф этилган ташкилий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий, тиббий, психологик чора-тадбирларидан иборат тизимининг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш**»га бағишланган. Учинчи боб икки параграф (1-§. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш механизмини такомиллаштириш, 2-§. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ва унинг ижросини таъминлашни такомиллаштириш)дан иборат.

Мазкур бобда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш механизмини, шу жумладан, ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ва унинг ижросини таъминлашни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда ўрганиш ва таҳлиллар натижасида ички ишлар органларининг амалий фаолиятида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш етарли даражада йўлга қўйилмаган, - деган хулосага келинган.

Масалан, Тошкент шаҳар ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими фаолияти ўрганилганида, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш жараёнида асосий эътибор исботлаш ва жавобгарлик масалаларига қаратилиб, натижада ҳуқуқбузарликларнинг содир

этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлашга етарлича эътибор берилмаётганлиги; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликларга оид ишларни юритиш жараёнида объектив ва субъектив омилларга кўра ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш имконияти чегараланганлиги боис, аксарият ҳолларда сабаб ва шароитлар сифатида асосан маҳалла фаоллари томонидан тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги кабилар кўрсатилиб, киритилаётган тақдимномаларнинг «шаблон», яъни бир хил мазмунга эга бўлиб қолаётганлиги; *учинчидан*, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш билан боғлиқ деярли барча ҳолатларда ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар аниқланмаётганлиги ва тақдимнома киритилмаётганлиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритиш деганда, асосан маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва жиноят ишларини юритиш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома (хусусий ажрим)лар киритиш тушунилиб келинаётганлиги каби ҳолатларнинг мавжудлиги аниқланган.

Бу борада ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича ўтказиладиган муҳокамаларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш амалиётини жорий этиш тавсия этилган:

а) кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиладиган муҳокамалар;

б) фақат давлат органлари ходимлари ва мутасадди шахслар иштирокида ўтказиладиган муҳокамалар (ҳуқуқбузарлик ҳолатининг муҳокамаси шахснинг шаъни ва кадр-қимматида дахл қиладиган ҳолларда).

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш босқичлари таҳлил қилиниб, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг амалга оширилиши қуйидаги тўрт босқичга ажратилган: 1-босқич: ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш; 2-босқич: ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини қайд этиш; 3-босқич: ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини таҳлил қилиш; 4-босқич: ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш (зарарсизлантириш) чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Диссертант томонидан амалдаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда жиноят-процессуал қонунчилик нормалари таҳлил қилиниб, уларда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш шартлиги қайд этилган бўлса-да, аммо аниқлашнинг ҳуқуқий механизми ўз ифодасини топмаган, деган хулосага келинган. Муаллифнинг фикрича, жиноят-процессуал қонунчилик нормаларида назарда тутилган жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш талаби жиноят-процессуал, тезкор-қидирув, жиноий-ҳуқуқий ва профилактик жиҳатдан шартланган. Шу боисдан, амалдаги ЖПКнинг 296-моддасини қуйидаги мазмундаги 2-қисм билан тўлдириш таклиф этилган: «*суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган*

шарт-шароитлар ҳақидаги маълумотларни ушибу Кодекснинг 87-моддасида назарда тутилган тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш, жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳақида ахборотга эга бўлган шахслардан тушунтиришлар олиш, давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўплашга ҳақли».

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш – умумий профилактика чора-тадбирлари тизимига кирувчи муҳим чора эканлиги асосланган. Тадқиқотнинг илмий натижалари асосида «Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тартиби тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилган ва диссертацияга илова қилинган.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш (зарарсизлантириш) – умумий профилактика чора-тадбирлари тизимидаги энг муҳим чора эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг илмий натижалари асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган ва диссертацияга илова қилинган.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар (жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар) ва ҳуқуқбузар шахслар (жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар)га доир маълумотларни марказлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш тизими имкониятидан аксарият ҳолларда қилмишни квалификация қилишда фойдаланиб келинаётганлиги ҳамда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳамда профилактикасига доир ҳисоботлар фақат юқори турувчи органларга ахборот бериш мақсадидагина амалга оширилиб келинаётганлиги танқид остига олинган.

Шу боис ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган сабаб ва шарт-шароитларининг ҳисобини юритиш йўналишлари ишлаб чиқилиб, ҳуқуқбузарликни содир этган ва ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар билан бир вақтда, содир этилган жиноятларнинг турлари бўйича «жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитлари» ҳақидаги маълумотларни кенгайтирилган шаклда қайд этиш ва ҳисобини юритишни назарда тутувчи электрон карточкаларни жорий этиш орқали ягона марказлашган электрон маълумотлар базаси фаолиятининг юритилишини йўлга қўйиш таклиф этилган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар бўйича таҳлил амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатларга ойдинлик киритилган.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

худудларнинг «геокриминологик харитаси»ни ишлаб чиқиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ишларини ташкил этишда улардан фойдаланиш;

жамоат жойларида «интеллектуал камералар»дан фойдаланилишини йўлга қўйиш;

содир этилган жиноятлар, латент жиноятлар, қидирувдаги шахслар ҳақида аноним тарзда маълумотлар ва аудио, видео, фотолавҳаларни юбориш имконини берадиган «ишончли аноним хабарлар» махсус сайти фаолиятини йўлга қўйиш;

соҳа мутахассислари билан ижтимоий сўровлар ўтказиш, ишлаб чиқилган лойиҳалар бўйича уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, тайёрланган ишланмаларни тезкор реализация қилиш учун «Жиноятлар барвақт профилактикаси» махсус веб-саҳифаси ва электрон журналинини ташкил қилиш;

шов-шувга сабаб бўлган жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича киритилган тақдимномаларни Интернет тармоғида видео алоқа орқали онлайн режимида муҳокама қилиш тартибини жорий этиш;

жиноятларнинг содир этилишини прогностлаштириш натижаларидан амалий фаолиятда кенг фойдаланиш;

жойларда ички ишлар органлари штат бирлигига «жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш масалалари бўйича мутахассис» лавозимини киритиш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг амалдаги чора-тадбирлари илмий-амалий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ушбу чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби етарлича белгиланмаганлиги кўрсатиб берилган ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан, *биринчиси*, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, *иккинчиси*, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш асосларини белгилаш; *учинчиси*, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир (идоравий ёки идоралараро) дастурларнинг ижроси ҳамда ижрони таъминлаш бўйича назорат механизминини такомиллаштириш; *тўртинчиси*, қонун ҳужжатлари мазмунини тарғиб қилишга ихтисослашган теле ва радиоканаллар фаолиятини йўлга қўйиш; *бешинчиси*, ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш, йўналишларини белгилаб олиш ва ҳуқуқий тарғиботга нисбатан муайян талабларни ишлаб чиқиш; *олтинчиси*, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш ҳолатини у содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилиш ҳамда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни режалаштириш, тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиб боришнинг ҳуқуқий механизминини яратиш.

Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилиниб, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш билан боғлиқ муаммо ва камчиликларнинг

мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

биринчиси, «Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш» ҳамда «Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш» чора-тадбирларини бир-биридан фарқлаш ва амалиётда самарали қўллаш борасида мавжуд муаммоларнинг ечимига оид таклифлар ишлаб чиқилган;

иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколатига эга субъектлар доирасини белгилашда ноаниқликка йўл қўйилганлиги асослаб берилган ҳамда ушбу қонунга қуйидаги мазмундаги 23¹-модданинг киритилиши таклиф этилган:

«23¹-модда. Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритиш

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар давлат органлари, жамоат ва бошқа ташиқлотлар раҳбарларига хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритадилар.

Хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома бажарилмаган ёки талаб даражасида бажарилмаган тақдирда давлат органи, жамоат ёки бошқа ташиқлотнинг айбдор раҳбари қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади»;

учинчиси, объектив ва субъектив омилларга кўра хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш имконияти чегараланганлиги, аксарият ҳолларда сабаб ва шароитлар сифатида асосан маҳалла фаоллари томонидан тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги кабилар кўрсатилиб, киритилаётган тақдимномаларнинг «шаблон», яъни бир хил мазмунга эга қолипга тушиб қолганлиги, шунингдек, тақдимнома қандай талабларга эга ва қандай қисмлардан иборат бўлиши кераклигига оид хуқуқий тартибнинг мавжуд эмаслиги танқидий баҳоланган. Мазкур муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган;

тўртинчиси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддаси таҳлил қилиниб, ушбу қонун нормасининг таъсир доираси чегараланганлиги асослаб берилган.

Бу борада хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга доир ёзма тақдимнома киритиш ваколатига эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш, ушбу тақдимнома (хусусий ажрим)лар талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни тақдимнома киритилишига сабаб бўлган хуқуқбузарликнинг жиноят ёки маъмурий хуқуқбузарлик эканлигидан келиб чиқиб тоифалаштириш, мазкур тақдимнома (хусусий ажрим)лар талабларини бажармаганлик билан бир

қаторда талаб даражасида бажармаганлик учун ҳам жавобгарликни белгилаш юзасидан тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)нинг бажарилишини назоратга олиш механизми мавжуд эмас, шу боис мазкур йўналишдаги фаолият самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган: *биринчиси*, тақдимнома (хусусий ажрим)нинг бажарилганлиги бўйича тақдим этиладиган маълумотноманинг намунавий шаклини ва қўйиладиган асосий талабларни ишлаб чиқиш; *иккинчиси*, тақдимнома (хусусий ажрим) киритган орган ёки мансабдор шахс томонидан тақдимномага жавобни олиш билан кифояланмасдан, маълумотноманинг мазмуни ва кўрилган чораларнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш; *учинчиси*, маълумотномада баён этилган тақдимнома (хусусий ажрим)ни бажариш юзасидан кўрилган чораларнинг виждонан (ёки лозим даражада) бажарилганлигини тақдимнома киритган орган ёки мансабдор шахс томонидан бевосита ёки билвосита текшириш амалиётини жорий этиш.

Тадқиқот натижасида ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни, ЖК, ЖПК ва МЖТКга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, тадқиқот мавзусига оид норматив-ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурияти асослантирилган.

ХУЛОСА

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштиришга бағишланган диссертация тадқиқоти натижасида илмий-назарий хулосалар, тегишли қонунларнинг нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси объектлари», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари» тушунчаларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

2. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: объектлари, субъектлари, турларининг янги таснифи ишлаб чиқилган.

3. Умумий профилактика чора-тадбирларининг янги тизими ишлаб чиқилган.

